

**Мавзу: Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни
квалификация қилиш**

РЕЖА:

1

Бир неча жиноятларни квалификация қилиш
қоидалари.

2

Такроран жиноят содир этишнинг қилмишни
квалификациясига таъсири.

3

Рецидив жиноятни квалификация қилиш.

• Бир неча жиноятларни квалификация қилиш қоидалари.

Бир қанча жиноят содир этиш айбдор шахсининг ҳам (шахснинг жиноятлар содир этишга, кўпинча профессионал жиноий фао-лият билан шуқулланишга кўпроқ мойиллигини намоён қилади), умуман содир этилган қилмишнинг ҳам (натижада жиноят ҳуқуқи томонидан қўриқланадиган муносабатларнинг кенгроқ доираси зарар кўради, жамиятнинг бошқа беқарор аъзоларида жазоланмай қолиш мумкин деган хомхаёл уйқотади, жиноятлар бузилиши ва динамикасида кенг тарқалган ҳодисага айланади) ижтимоий хавфлилиги каттароқ эканлигидан далолат беради. Бу ЖК Махсус қисмининг кўп нормаларида акс этган бўлиб, бу моддалар санкцияларида бир қанча жиноят содир этишнинг турли кўринишлари (шакллари) учун кўпроқ жавобгарлик назарда тутилган.

Бир қанча жиноят содир этишнинг юридик мазмуни шундан иборатки, у жиноятларни квалификация қилишга тўғридан-тўғри таъсир ўтказади, жазо тайинлашнинг махсус қоидаларини (бир неча марта содир этилганда жазо тайинлаш ва бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлаш) келтириб чиқаради, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалаларини ҳал қилишга, хусусан, ярашувга (ЖК 66₁-моддаси), шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-моддаси), жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш (ЖК 73-моддаси)га таъсир кўрсатади.

- **Такроран жиноят содир этишнинг қилмишни квалификациясига таъсири.**

Жиноятни **такроран** содир этишнинг зарурий белгиси бўлиб, шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларни кетма-кет содир этиши ҳисобланади. Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши уларнинг бир-биридан вақт бўйича ажратилиши, яъни уларнинг ҳар бири кейингисидан кичик бўлсада, муайян вақт оралиғи билан ажратилишини тақозо этади.

Рецидив жинойтни квалификация қилиш.

- Жинойт ҳуқуқий рецидивни криминологиядан ажратилади. Криминомантик (амалдаги) рецидив деганда бир шахснинг ҳукм қилинишидан қатъий назар илгари бир неча марта содир этган жинойт ҳаракатлари тушунилади. Криминомантик рецидив амалдаги жинойтларни аҳамиятли томони ва латент (яширин) ва легаль (маълум) жинойт сифатида ўрганилади.
- Легал жинойт ҳуқуқий рецидив – икки ёки ундан ортиқ жинойтни қасддан содир этиш ва улардан бири учун судланишига айтилади.

ЖКнинг 34-моддасида жинойт ҳуқуқий рецидив бир қанча турларга ажратилган:

- Биринчиси, оддий рецидив;
- Иккинчиси, хавфли рецидив;
- Учинчиси, ўта хавфли рецидив.